

Гўзал ризқ



18:35 / 18.02.2020 3654

«Ризқларнинг гўзали молу дунё эмас, балки - руҳ хотиржамлиги, ақл нури, баданнинг соғлиги, қалб самимийлиги, фикрнинг саломатлиги, она чақириғи, отанинг илтифоти, ака-уканинг борлиги, бола кулгиси, дўстнинг аҳамияти, Аллоҳ йўлида муҳаббат қилувчи дўстнинг даъватидир. Аллоҳ мана шундай ризқ билан неъматлантисин!»

Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий

Афсуски, ризқ деганда кўпчилик фақатгина озиқ- овқат, кунлик егулик, молу дунё деган нарсаларни тушунади.

Кунлик егулиги бўлсада, ортиқча хою-ҳаваслари амалга ошмагани учун ўзини камситилгандек ҳис қилади. Аммо Аллоҳ таолонинг берган гўзал ризқларини унутади...

Қанчадан қанча молу дунё соҳиблари борки, руҳ хотиржамлиги - ҳаловати йўқ.

Мол-дунёси билан дунёни бошқаришга ҳаракат қилаётган, бироқ ақл йўналиши керак бўлган иймон неъматидан бегона, фикрлари бузғунчи, қалбида бошқаларга нисбатан нафрат, ота - она меҳридан ҳам, хизматидан ҳам бебаҳра, жажжи фарзандлар кулгисини, қаердадир унга интиқ бўлган яқин қардошини ёки муниса опа-синглисини ҳис қилолмаётган, дўстининг аҳамиятини сезмаётганлар қанча...

Дарҳақиқат, инсонни шукрга ундовчи неъматларнинг бири тафаккурдир.

Бизларга ризқларнинг гўзали ва тафаккур неъматини берган Роббимизга ҳамду-санолар бўлсин! Алҳамдулиллаҳ!

Ангрен шаҳар «Қорабоғ» жоме масжиди имом хатиби

Яҳёхон Бобохонов